

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 1 октябр Чоршанба. № 76 (14468)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуinning мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ўзгача қондалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқиниш таллашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

таълим дастурларини таллашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимни бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий даври, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар қимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш; ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида турлоқ эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларини битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртлирига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

ойлада ёки ўзи мувофиқ равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролари бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёрлиги бор ва юқсак ахлоқий фаолиятларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртлирига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан мам этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларида мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмулига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюмларига бирлашшига ҳақли.

Таълим муассасалари уставада белгиланган вазифаларига мувофиқ пули таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек талбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича: бошланғич таълим (I-IV синфлар); умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўника асосларини шакллантиришга қаратилган. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажминин беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини таллашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махус, касб-хунар таълими

Ўрта махус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар қим умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқинишнинг йўналишини ихтиёрий равишда таллаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгаланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимнинг навбатдаги босқичида давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махус-хунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртлирида (университетлар, академик лицейлар, институтлар ва олий мактаблар) бошқа таълим муассасаларида) ўрта махус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқитиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизинда камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳаққидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгиланиш таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг буш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа шакл ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасалари болалар, ўсмирлар ижодийети саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар кирди.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган бўлади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга қўмақлашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсунда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитиш шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қуйидагилар мутахассислар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажми ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақча илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номини ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳуқуқматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТимоий ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи туланидиган йиллик ўзайтирилган таътиллари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақида мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тулаш ва рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиб қолганини тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволалаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларида юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳуқуқсизига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шартларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўсмирлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёрлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озолиқдан маҳрум қилиш тартибдаги жазони ижро этиш муассасаларида қанлаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар кирди:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибин белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибин белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларида мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибин белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибин белгилаш;

давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибин белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибин белгилаш;

қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар кирди:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартларини, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёрлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илгор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услубий адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг яқини давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низоомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайди;

таълим муассасаларини ташкил этишда, қайта ташкил этишда ва тугатишда (Республика тасаруфидан бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг усталарини рўйхатга олдидлар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларини белгилайди;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ваколатларини ҳам амалга оширади.

28



Сирдарё вилоятининг бундан атиги ярим аср муқаддам ёввойи саҳродан, беумон даштуғуллардан иборат бўлган, инсон билан яратилган чексиз экинзорлар, боғроғлар, замонавий шаҳар ва қишлоқларини айлансангиз, қалбингизни ҳаяжон қамраб олади.

талаффузда айтадиган бўлсак, меҳнатнинг зўри билан етиштирилган ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Мустақиллигимизнинг олтинчи қўлдамида сирдарёлик деҳқонлар 141 минг гектар қўриқ ҳамда буюрларга чигит қадаган эдилар. Баҳордаги селлар ва дўллар бу ернинг минглаб машаққатлар чигириндан

миқдорда ҳосил етиштирилди. Айни дамларда терим қизгин. "Оқ олтин" у Боёв

вут, Меҳнатобод, Шароф Рашидов ва бошқа барча туманларда терим авж палласига чиқмоқда.

Вилоят далаларида 150 минг нафарга яқин теримчи тер тўқмоқда. Бир қанча хўжаликларда теримда сир

дарёликларга Фарғона водисидан келган ҳашарчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Меҳнатобод туманида бўлганимизда наманганлик ҳашарчи ёшлар иши билан танишдик. -- 11 минг нафардан ортиқ наманганлик Мирзачўл пахтакорларига кўмаклашмоқда, -- дейди

Эзгулик — қўлқўлиқдир

Ҳоким Уринбосари ҳақ. Бу ҳудудда ер мўл. Бу чўлларни чинакамга ўзлаштириш 40 йил аввал, элгиничи йилларнинг иккинчи ярмида бошланган эди. Уттан давр мобайнида минглаб, ўн минглаб ватандошларимиз Мирзачўлни


ят тараққиётида айрим муаммолар йўқ эмас. Улардан энг муҳими қўриқ туманлардаги аҳолиси кам хўжаликларни етарли миқдорда ишчи кучи билан таъминлаш масаласидир. Бу муаммо Жиззах вилояти ва Қорақалпоғистон

ЮРИНГ, ДЎСТИМ

Сирдарё вилояти далаларида водийлик ёшлар билан ўтказилган давра суҳбатидан

Шўрхок ерлар ўрнида вужудга келган оромижон бўғлардаги кузнинг тилло ҳусига қира бошлаган миллион-миллион япроқлари инсон биладигани мўъжизавий кучни олқишлайди. Оппоқ денгизга ўхшаб мавжланаётган пахтазорларда деҳқон қўлининг қалоғи, қалб қўри, пешона тери, тўпорироқ

ўтиб ўрганган миришкорларини ташвишга солди. Чигит қадалган карталарнинг катта қисмида гўза қайта экилди. Чўлқуварлар тўлиқ гектарлар вужудга келтириш ишига бутун куч-ғайратларини сарфладилар, гўза парваришидаги кечикишни бартаф қилдилар. Натияжада 325 минг тонналик Сирдарё хирмонини қоплайдиган



Ҳар кимнинг ўз фикри бор

батлари ўтказилди. Бир қанча ёшлар бу масала юзасидан ўз фикрларини билдиришди.

чўлга кўчиб яшашга, ишлашга даъват этиш керак. Мазкур даъватни мен ҳам қувватлаган бўлар эдим.

Юсуфжон АБДУЛЛАЕВ, Чуст тумани "Зарафшон" жамоа хўжалиги аъзоси:

-- Ҳақиқатдан ҳам бизнинг водиймизда ер масаласи мураккаб. Масалан, менинг ўзим шаҳарда яшардим, ўқитувчилик ихтисосига эгаман. Аммо ер участкаси олиш учун қишлоққа кўчиб, етти йилдан бери жамоа хўжалигида ишладим. Ер олиб, иморат қурдик. Бироқ бошқа ҳамқишлоқларимиз қатори 10 киши бир уйда, зич яшаймиз. Бизда бир неча оила бир уйда яшайдиган хонадонлар оз эмас. Табиийки, ҳар бир оилادا иш излаб юрган ёшлар бор. Ҳозир биз пахта териб юрган вилоятда эса ер кўп экан. Ишчи кучи етишмаслиги аққол сезилиб турибди. Тўғри, биз томондаги беиш ёшларни бу

Неъматжон МИРХАЛИЛОВ, Чуст тумани "Нурафшон" жамоа хўжалиги аъзоси:

-- Мен ҳам бирга келган ҳамроҳларим қатори кўпроқ пахта териб, сирдарёлик дўстларимга самарали ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдаман. Хар куни 100



Сирдарё вилояти деҳқончилик-саноати ходимлари касба уюшмаси раиси С.Исмоилова илгор теримчиларни табрикламоқда

килограммга етказиб пахта тараётирман. Беш кун давомида терган пахтамининг ҳақини бериб кетишди. Хуллас, ишимиздан нолыйдиган жойимиз йўқ. Бироқ мени кеча эшитган бир гапим қаттиқ ҳаяжонга солди. Ер

ҳазина деганига шунда ишондим. Биз томондан бир одам 9 нафар угли билан келиб, жамоа хўжалигидан шартнома асосида катта миқдорда ер олибди, унга 6 хил экин экибди. Бетиним тер тўкиб, ҳамма экинларидан мўл ҳосил олибди. Натияжада, ёзсангиз муштарийлар ишонмаслиги мумкин, 12 миллион сўм даромад олибди. Нақ 12 миллион сўм!

Очигини айтсам, мен ўзимнинг истиқболимни Мирзачўлда, шу чўлда кўраётирман! Бизга Наманган, Чуст азиз. Айни вақтда Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери, ҳар тоғи-тоғи, чўли бизга қадрон. Қаерда бўлсак ҳам овоз мамлакатимизни обод қилишга ҳисса қўшсак, яхши ишла-

сак, яхши яшасак, бас. Аммо бунинг учун Сирдарё ёки Жиззах чўлларига яқка эмас, гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишимиз керак, деб ўйлайман!

Мақсуд АШИРМАТОВ, Чуст шаҳридан, ҳайдовчи:

-- Юқоридаги дўстларимиз қишлоқдаги ишсизлик билан боғлиқ муаммоларни, қайд қилиб ўтишди. Бу муаммо шаҳарда ҳам жуда кескинлашиб бормоқда. Янги ишчи ўринлари вужудга келтириш осон эмас. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, айрим хонадонлар, кўп уюлги оилалар навбатдаги келини қарга туширишни билишмайпти. Ер тақчиллиги, аҳоли зичлиги

ошаверса 5-10 йилдан кейин нима бўлади? Энг мақбул йўли зич шаҳар ва туманлардан ёш оилаларни қўриқ мавзеларга кўчиб келишга жалб этишдир. Ма-

жмоада водийликлар хонадонларини кўрдик. Илоҳи бўлса бирор чўл хўжалигида чуствликлар бўлимини тўзсак яхши бўларди. Иккинчидан, бизга тегишли шарт-

Икромжон ШАРОФИДДИНОВ,

"Камолот" жамғармаси Наманган вилоят бўлими раиси:

-- Мулоқотимизда мамлакат, халқ, инсон манфаатлари, айниқса ёшларнинг истиқбол билан боғлиқ муҳим мавзуга муҳокама қилинмоқда. Юз ёки минг нафар эмас, ўн минглаб йигит-қизларнинг бутунги кўни, келгуси тақдир ҳақида сўз юритилмоқда. Мен энг аввало ёш оилаларни назарда тутияман. Ёш йигитларга ҳақиқий иш топиб беришимиз, уй қуриб олиши учун ер ажратилиши лозим. Бизнинг шароитда бунга имконият йўқ, ҳисоби. Шунинг учун юқорида "Чўлга келишга тайёрман!" деган йигит жуда ақли гап айтиди. У экиннинггина эмас, фарзандлари, келгуси наслари келаётгани ҳам кўзда тутмоқда.

Менинг фикримча чўлга фақат қишлоқ хўжалиги ходимлари эмас,



Чуствликлар қувончи

салан, мен шу чўлга келиб ишлаган, яшаган бўлардимми? Албатта, яшаган бўлардим! Азалдан Мирзачўлни водийликлар ўзлаштирган. Ҳозир ҳам ҳар бир

шароитлар яратилиб, турар жой қуриб олишимиз учун имтиёзлар таъсис этилса, бу муаммонинг ечилишига шак-шубҳа йўқ!

буси ҳаммамизни қувонтириб юборди. Биз бу ерга келмоқчи бўлганларни кучоқ очиб кутиб оламиз.

Аҳолиси зич жойлашган туманлардаги жамоа хўжаликларидан 4-5 тадан замонавий қишлоқлар мавжуд.

Бизда 8 хўжаликнинг ҳар қайсида биттадан 8 та қишлоқ бор, холос. Хар хўжаликда биттадан янги

барча ихтисосдаги мутахассислар зарур. Бир мисол: сафимиздаги малакали шифокор, Наманган

шаҳридан Абубакир Мамадалиева бу ерда бир неча йил шартнома асосида ишлаб беришни таклиф

қилишди. У розилик билдириди. Орамизда чўлни ватан тутиши мумкин бўлган йигитлар кўп. Фақат уларга

тегишли шарт-шароитлар яратиб берилса бўлди. Албатта, биринчи навбатда кўчиб келувчилар учун турар жой масаласини ечиб қилиш лозим. Масалан, қайд қилингандек Новгород томонларда ҳам бутун-бутун қишлоқлар, посёлкалар қурганимиз. Биз Сирдарё, Жиззах чўлларининг аҳоли кам ҳудудларида водийдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчиб келадиган ёшлар учун замонавий қишлоқчалар вужудга келтирилиши тарафдоримиз. Бундай кичик, бир неча ўн шинам турар жой, қишлоқ инфратизими нукталаридан иборат посёлкаларни қуриш тўғрисида ҳукуматимиз махсус қарор қабул қилса айни мўлдо бўлур эди. Бундай қишлоқ аҳоли пунктларини вужудга келтиришда у ерда яшайдиган фуқаролар турмушининг ўзига ҳослигини ҳисобга олиш зарур.

Ҳамидулла ҚОЗОҚОВ, Мехнатобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари:

-- Мустақил мамлакатимизнинг айрим туманларида 150 минг нафардан 200 минг нафаргача аҳоли яшайди. Бизнинг туманимизда эса атиги 23 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 9 минг нафарга яқини меҳнатга лаёқатли. Айни дамларда туман пахтазорларида 16434 нафар теримчи меҳнат қилаётган бўлса, шунинг 4525 нафари ўзимизнинг тумандан, 5500 киши Наманган вилоятидан, 5909 нафар теримчи Янгиер ва қолгани Гулистон шаҳридан. Қўриқсизки, туманимизда биргина 17 минг гектар ерда пахта етиштирилгани ҳолда ишчи кучи ниҳоятда кам. Водийлик укаларимизнинг чўлни ватан тутиш ҳақидаги ташаб-

бу масала ҳукумат миқёсида кўриб чиқишли лозим.

вий масалаларни ечиш керак, холос.

валдан ҳам туманимиз тамал тошини фарғоналиклар қўйишган, улардан кўплари туманни, хўжаликларни бошқаришган. Биз водий ёшларини элимизга чорлайми!



Тўрақўрғонлик ёшлар теримдан сўнг

қишлоқ вужудга келтирсак, водийдан 8-10 минг нафар аҳолини меҳнатободлик чўлқуварлар қаторига қўша бўлади. Бу ҳақда муайян тадбирлар ишлаб чиқилса яхши бўлар эди! Биз Меҳнатободга борган кунимизда бу ерлик ажойиб пахтакор, асли водий фарзанди Гулсара Умарова раҳбар зевно оширилган мажбуриятни бажаргани ҳақида хушбабар тарқалди. Бу уста деҳқон етакчилигидаги кичик жамоа пахта тайёрлаш режасини мамлакат мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланган кўни бажариб қўйган эди. Бундай пешқадам деҳқонлар Меҳнатободда анча.


деҳқон хўжалиги тасарруфида қолдирилди. Тадбиркор деҳқонлар ўтган йилнинг кузагида 22 гектар ерга бугеой эккан эдилар. Хар гектаридан 40 центнердан сара дон олишди. Чўл шароитида чакки натижа эмас бу!

Иқтисодий ислохотлар туманининг "Пахтакор" жамоа хўжалигида ҳам изчил бормоқда. Жамоада пахта терими дақиқа сайин қизитилмоқда. Бу ишда уларга Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидан келган ҳашарчилар яқиндан ёрдам беришяпти.

роитлар яратилса бас. Халқимизнинг улуг фарзанди Шароф Рашидов номи билан юртилаётган туман далаларида бўлди. Туман меҳнаткашлари пешона терлари эвазига етиштирилган ҳосилни жалал суьратларда йиғиштириб олмоқдалар. Кўп сонли ҳашарчилар сафида Фарғона вилояти вакиллари бор. Наманганликлар ҳузурда бошланган давра суҳбати бу ерда қизгин давом этди. Унда "Камолот" жамғармаси фаоллари ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Абдурашид МИРСАЛИМОВ, "Камолот" жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси:

-- "Туркистон" газетаси жуда долзарб мавзунда кўтарилди. Хар бир нафисинг йигит ва қиз уй-жойли, касбини бўлиши буюк келажагимиздан ўз ўрнини топиши лозим. Шу жумладан, Сирдарё ва Жиззахдаги бир пиллари ўзлаштирилган, миллион-миллион сўм маблағ сарфланган ерлардан фойдаланишни яхшилашда улар фаол қатнашилари керак. Шундай қиламиз ҳам! Таклифимиз:



Чўл оши ширин

Фарғоналиклар дам олиш пайтида.

бу масала ҳукумат миқёсида кўриб чиқишли лозим.

Одилжон АҲМАДҚУЛОВ, "Камолот" жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси:

-- Вилоятимизда водийлик чўлқуварларнинг бир неча авлоди шакланган. Яна бир "катта тўлқин" ташриф буюрадиган бўлса бажониди қабул қиламиз, хар томонлама қўлаб-қувватлаймиз. Қўриқдаги "Фарғона", "Андижон" хўжаликлари номининг ўзи кўп нарсани айтиб турибди. Уларда янги бригадалар, янги бўлимлар ташкил этилади, янги қишлоқлар пайдо бўлади, деган умиддамиз!

Султон ҚОСИМОВ, "Камолот" жамғармаси Қўва туман бўлими раиси:

-- Бир пайтлари ёшларимиз БАМ қурилиши, Ноқоратпўроқ ҳудудларини ўзлаштиришда энг шимариб ишлаган эдилар. Гап чўлни обод қилиш ҳақида кетар экан, бундан четда турмаймиз. Ишончим комилки, бизнинг Қувдан ҳам ўнлаб ёш оилалар бу ерга кўчиб келадилар, чўлда янги сулолалар вужудга келтиради. Фақат бунинг учун тегишли ташкилий, молия-

вий масалаларни ечиш керак, холос.

Мусажон АБДУРАСУЛОВ, "Камолот" жамғармаси Учкўприк туман бўлими раиси:

-- Бизнинг туманимизда 70 минг нафардан кўпроқ ёшлар бор. Албатта, ёш оилалар кўпаймоқда. Аҳолимиз жуда зич жойлашган. Шундай шароитда ёшларимизнинг бир қисми ота-боболаримиз ўзлаштирган ерларни обод қилса нур устига аяло нур бўлур эди. Юқорида БАМ, Ноқоратпўроқ тилга олинди. Аммо уларда маблағ масаласи муаммо эмас эди. Биз ҳам бу иш юзасидан ҳукумат тадбири ишлаб чиқишли зарур деб ҳисоблаймиз!

Нуриддин ҲОТАМОВ, Шароф Рашидов тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари:

-- Бизнинг туманимизда 46 минг нафар аҳоли яшагани ҳолда 40 минг гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Демак бизда яна бир неча минг хонадонлик қишлоқлар барпо этиш имконияти бор. Фақат маблағ, бошқа моддий-техника захиралари, қурилиш манбалари ажратилса бас. Ав-

валдан ҳам туманимиз тамал тошини фарғоналиклар қўйишган, улардан кўплари туманни, хўжаликларни бошқаришган. Биз водий ёшларини элимизга чорлайми!

Мулоқот жуда фойдали бўлди. Сирдарё вилоятига қўнмча ишчи кучи оқимини жалб этиш юзасидан қимматли фикрлар ўртага ташланди.

Галдаги вазифа илгари ўзлаштирилган ерлардан фойдаланишни янада яхшилашдан иборат. Бу борда давлат миқёсида дастур, чўлга кўчувчилар учун махсус имтиёзлар ишлаб чиқиш, тегишли ҳужжатлар қабул қилиш юзасидан таклифлар айтилди. Ушбу давра суҳбати мутасадди ташкилотлар, кенг жамоатчиликда қизқиш уйғотиши аниқ. Муштарийларимизни газетамиз саҳифаларида ушбу мавзунда муҳокама қилишга чақирамиз!

Давра суҳбатини "Туркистон" муҳбири Янгибой ҚҲҲҚОРОВ ёзиб олди

Илҳом оғушида ЮНАККА БИТТАЛАН САТЛАР

Мен худам аттируни яхши кўраман, унинг хили зур, ўзи чиройли...

Сенинг юрагинг тош, муҳаббату, ҳиссиётлар сенга бегона! Ҳа, ўзингизни юрагингизчи?

Азизам сен нимадан кўпроқ кўрқасан? Мен тухматга қолишдан, мен учун азиз нарсани йўқотиб қўйишдан...

Болалик қандай яхши. Унда муҳаббат, хиёнат каби сўзларнинг маъносига тушунмайсан ҳам, қийналмайсан ҳам.

Муҳаббат туга ўшаркан-а, нафис гунча бўлиб, кейин эса барқ ўрб очилиб, ўз гузалиги билан маст қилиб қўярсан-у, сунгра ҳазонга айланганча юрагинг да армон бўлиб, ташлаб қетаркан.

Нимага кеч қолдинг, қаерда эдинг? — деб мен сўроқ қилишга ҳеч ҳам ҳафа бўлмайман. Ахир, улар мендан хавотир олишганда. Сени кимдир кутаётганини, кимгадир кераклигинини ҳис қилсанг қандай яхши.

Эрталаб уйдан чиқиб кетаётганимда онам кузатиб қоладилар. Улар дераздан қараб турмаган кунлар нимадир қолиб кетгандек, ишим юришмаётгандек бўлаверади.

Нимага шунақа экан-а...

Менинг энг севимли фаслим-- Киш. Йўқ, у кумуш киш эмас, бегубор қиш.

Адиба ҒОЙИБОВА

Тухма САВОЛ

Ай, бесарҳад фазо, натиқ сукунат, Бу тунд қийдоринга тикилиб тўқидим.

Ана кўзларинга айланимда тун Ана кинриқларин тарайди зағ.

Ай, бесарҳад фазо, натиқ сукунат, Бу тунд қийдоринга тикилиб тўқидим.

Кимаб жон бевади кўларинда вақт, Қилмак фарқлар тегрига тўқидим.

ҚОПИЛ ҚИЗ

Туссани кўроқлаб, дарғни ёпишиб Армонга бош қўйиб ўзлайди бир қиз

... Қиз буни қўйонди, қиз буни бевоқ Шунлар оралидаги ўқ тегар қўйди.

АЙТИЛМАГАН СЎЗ

Мен сизни севмак қароғларинда Янаёғиз куну тун бегойим бўлиб.

Сиз севдинг демайсиз, мен ҳам демайман. Демак, ҳошим, бизнинг шу гуноҳимиз.

САВОЛЛАР... САВОЛЛАР... ЖАВОБИ ТАҚДИР

Бунидан ҳам кейин, нега нисони Оғилда тўқиди қолмоқда кўлар.

...Саволлар... саволлар... жавоби тақдир О, негун бугунлар бесарҳад ҳусн.

Илҳом элтанларин бор-йўри шунки, Бир кунини зўлмайини, бири зўлмайини?

Менин сўз қилишга қўйманлини - Вақт.

Алишер НАЗАР



Оқшом. Ўтмоқдан қайтиш

ИШОНЧЛИ ЙЎЛ Ўзбекистон ва Япония орасидаги "масофа" қисқариб бораётганини ҳамда икки мамлакат халқининг дўстона муносабатлари чўқурлашганини эътиборга эитиб...

ТИНИМСИЗ 85 СОАТ Жанубий Африканинг Турахваал вилоятида яшовчи Питер ван Логтребергга етадилан машоққ топилмас керак. У 1987 йилнинг 1-10 июль кунлари ўтказилган табиат байрамида ўз аккордеонда 85 соат тинимсиз куй чалиб турган эди.

Япония жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири ҳисобланади. Япон халқи юксак илмий ва иқтисодий мўъжизалари билангина эмас, балки бетакрор маънавий маданияти билан ҳам дунёга донг тарабтагани барчага маълум.

Парагвай полицияси номийчиларни тарқатишда ловиядан фойдаланди... Уларга таёқ ҳам, шланкадан пуфлайдиган сув ҳам, осмонга отилган ўқ ҳам қор қилмади.

Качонлардир эркакларини ўзига "мафтун" этган "Шипр" атири Урта асрларда Шипр деб юритилган ҳозирги Кипр оролида кашф этилган экан.

АНА ШУНАҚА Качонлардир эркакларини ўзига "мафтун" этган "Шипр" атири Урта асрларда Шипр деб юритилган ҳозирги Кипр оролида кашф этилган экан.

Алишер НАЗАР, ТОШДУ халқовор журналистика бўлими талабаси

Эрталаб ишонамга келиб янги газеталарни варақлай бошлагандим, кўзим лоторея тиражида тушиб қолди. Бундоқ қарасам ютуқлар гиж-гиж. Қани энди лотореям бўлсаю, машина ютсам деб турувдим, нотоқ хайлига келган қитмир хазилдан ўзим ҳам кулиб юбордим.

ҲАЗИЛ

Биринчи кўлариди лотореяларини текшириб қўришди. Ҳеч кимда лоторея қолмаганидан кейин, мен: -- Қани, азизлар, ким нима ютди? -- деб сўрадим.

ҚИЛМАЙ

Бир зумда хона одамга тўлди. Мен қолиб тиражни текширган дўстим ҳаяжонда оёқ-қўллари дир-дир титрайди. Нукул "Машина! Машина! Машина чикди.и.и!!!!" деб бақиради.

МЕН

Намунча ҳаяжонланасиз, дадажониси! Қаранг, бутун вужудингиз титраб кетяпти-а! Сад ўзингизни қўлга олдинг. Тагин энди тинган оғзимиз ошга етганида...

ҲАВВА

Ҳавва, буш директоримиз бошчиликлариде бир гуруҳ дўстларим билан йўлга чиқдик. Уйимиз гўё туйхонани эслатади. Бизни ҳамма кучоқ очиб қутиб олди.

ҚИЛМАЙ

Бизникини ТИСО дейдилар. Мана буниси Асфальт йўлдан силлиққина кетиб бораётган машиналар қарвонидан кузингиз қамашиб кетди.

ЛОБИЯ ЎҚ

Парагвай полицияси номийчиларни тарқатишда ловиядан фойдаланди... Уларга таёқ ҳам, шланкадан пуфлайдиган сув ҳам, осмонга отилган ўқ ҳам қор қилмади.

ИХТИРОЧИ ШАМОЛ

Афсоналарга қараганда Хитой императори Чен Чун учун сарой қияндага боғда сув қайнатилган экан.

ТАХРИРИЯТ

Кўзу ёшларини... 136-56-58, 133-95-97. Буларнинг бўлими -- 136-54-64.

МАНИСИМИЗ

Муаллифлар фикри тахрирлардан назаридан фарқларини муимкин.

ДИЗАЙН УСТАСИ

С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАХРИРИЯТ: 136-56-58, 133-95-97

Муаллифлар фикри тахрирлардан назаридан фарқларини муимкин.